*Иқтисодий ислоҳот: тажриба ва ташаббус*

# ҚАШҚАДАРЁ: ИҚБОЛНИ МЕҲНАТ ОЧАР

> ***Олдимизга республикамиз учун, Ўзбекистон халқи учун янада мураккаброқ ва истиқболимизни ҳал қилувчи мақсад ва вазифаларни қўйдик. Уларни муваффақиятли ҳал этиш Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, республикани XXI аср бошидаёқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига чиқаришга қаратилгандир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ.**
>
> **(Республика Вазирлар Маҳкамасининг 16 май куни бўлиб ўтган мажлисида сўзланган нутқдан).**

***Бугунги кунда халқимиз туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Мустақиллик самараси бўлган иқтисодий ислоҳотлар ҳаётимизга кун сайин кириб боряпти. Одамларимиз онги эскича тафаккурдан холи бўлиб, янгича фикрлашга ўрганмоқда. Айниқса, ислоҳотлар натижаси ўлароқ мулкка муносабат ўзгариб, бу кишиларни ишбилармонликка чорлаётир.***

***Биз Қашқадарё вилоятида бўлганимизда бу жараённинг шиддат билан бораётганлиги, воҳа халқи ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида тадбиркорлик ва ташаббус намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ташрифимизнинг асл моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг рисолаларида, маърузаларида баён қилинган давлатимизнинг ривожланиш йўли, бозор муносабатларига ўтиш истиқболлари, иқтисодий ислоҳотлар сиёсатини амалга ошириш ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган иш услублари билан танишишга қаратилди. Шу мақсадда вилоятдаги бир қатор саноат, жамоа ва давлат хўжаликлари, кичик корхоналар, фермер хўжаликларида бўлиб, у ердаги ислоҳот натижалари ва ХДП бошланғич ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдик.***

Дастлаб Қарши шаҳрида юз бераётган ўзгаришлар билан қизиқдик. Эски шаҳарда жойлашган «Феруза» кичик корхонасининг савдо-сотиқ ишларини юритишдаги талай ютуқларнинг шоҳиди бўлдик. Сархил озиқ-овқат ҳамда саноат маҳсулотлари билан тўлдирилган ушбу дўкон ҳозирги ислоҳот талаблари даражасида аҳолига намунали хизмат кўрсатаётир.

— Савдо дўконни очганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди кичик корхона бошлиғи Неъмат Умаров. — Турли шаҳарлардан кишиларнинг эҳтиёжини ўрганиб маҳсулот олиб келаётирмиз. Ишларимиз чакки эмас. Кўз тегмасин, дўконимиз остонасидан кун бўйи одам аримаяпти. Иш даврида баъзан тушунмовчилик ва тўсиқларга дуч келиб қоламиз. Уларни бартараф этишда Президентимиз томонидан чиқарилаётган Фармонлар ва қарорлар қўл келяпти.

Шаҳардаги «Ботир» кичик корхонасида бўлганимизда ёшларга ҳунар ўргатиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш сингари кўпгина саъй-ҳаракатларда ислоҳот нафаси уфуриб турганини сездик. Қадимий қадриятларимизнинг зарраси-зардўзлик ҳунармандчилиги бу кунда шаҳарда оммалашиб бормоқда. Ҳунармандчилик корхонаси раҳбари Гулчеҳра Пиримқулова атрофига юздан зиёд турли ёшдаги қизларни йиғиб, ўз билганларини уларга ҳам ўргатаётир.

— Баъзилар ўзлари билган ҳунарни бошқаларга ўргатишдан қизғанадилар... Сиз эса...?

— Навоий ҳазратларининг «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб туфроққами кетгумдир охир» деган ниҳоятда гўзал сатрлари бор, — дейди Гулчеҳра опа. — Нега ўргатмай. Ахир, бу бизнинг неча юз йиллик қадриятимиз, маънавий меросимиз-ку. Буларни ҳеч кимнинг ҳеч кимдан сир тутишга ҳаққи йўқ. Буни ҳамма хотин-қизларимиз ўрганиши керак. Бу ҳам миллийлигимизнинг бир кўриниши деб ўйлайман.

Ҳа, опа тўғри фикр билдирди. Мустақиллигимиз шарофати ила қайтган бу сингари удумларимиз борган сари ривожланиб, такомиллашиб, ўзлигимизни намоён этмоғи зарур. Ислоҳотлар ҳам бевосита шу каби хайрли ишларга таъсир кўрсатаётир.

Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш, деҳқон, чорвачилик фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатиш, улар бошлаган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш хусусида республика раҳбарияти улкан ғамхўрлик қилаётир. Буни халқ кўриб, билиб турибди. Шу боис ҳам улар ғамхўрликка жавобан янада яхшироқ ишлаш, ўз тасарруфидаги ердан унумли фойдаланиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирларини кўришмоқда. Қарши туманида бу борада олиб борилаётган қатор хайрли ишлар таҳсинга лойиқ. Туманнинг Энгельс номли жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Жамият» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Жума Тўхтаев фикрларини қуйидагича баён этди:

— Хазина ғойибдан эмас, меҳнат эвазига келишини деҳқонларимиз яхши билишади. 154 гектар еримиз бор. 35 нафар ишчи ҳаммалари ўзларига белгиланган ерни уддалаб ишлашаяпти. Чунки ёмон ишласа, ўзига зарар... Ҳар қайси ишчи қилган меҳнатига яраша ҳақ олади. Худо хоҳласа, бу йилги натижалар чакки бўлмайди.

«Манғит» жамоа ширкат хўжалиги аъзолари янгиликни жорий этишга иштиёқманд. Биргина мисол: хўжалик маъмурияти тола эвазига Исроил мамлакатининг технологиясини сотиб олиб келиб, 7 гектарлик майдонда минглаб қорамолларга мўлжалланган молхоналар мажмуасини бунёд этди.

— Бу ерда иш шу даражадаки, сигирларни соғиш ишларини мажмуанинг компьютер тармоғи бажаради. Ҳар бир сигир неча литр сут беришидан қатъий назар уч дақиқада соғиб бўлинади, — дейди хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Нуриддин Чориев. — Ҳаттоки шу компьютер таркибида молнинг соғлигини билиб берувчи муруввати бор.

— Ниҳоятда замонавий ускуна экан. Ишчи ходимларингиз буларни қандай ишлатишади?

— Мавжуд барча ускуналарни ўрнатиб берган исроиллик мутахассислар бир йил қолиб ўргатишга қарор қилишган. Бундан ташқари мазкур ихтисос бўйича йигитларимиз Тошкентда ўқиб қайтишяпти.

Бу ҳам — ислоҳотнинг битта талабига жавоб. Тараққиётнинг хоҳиш-иродаси шуни тақозо этаяпти. Лекин бизни-да кўзимизга жуда ғаройиб ва ажойиб кўринаётган бу сингари ускуналар ривожланган мамлакатлар назарида энг оддий жиҳоз: Замон келиб бизда ҳам шундай замонавий жиҳозлар кўпайиши турган гап.

Сарой қишлоғидаги «Сарой» кичик корхонаси ўзининг кенг қамровли фаолияти билан бошқа шу сингари мўъжаз корхоналарга намуна бўлаяпти. Корхона таркибида савдо дўкони, тегирмон, бичув-тикув цехи, дорихона ҳамда тиш даволайдиган махсус хоналар бор.

— Бир ярим йил бўлди. Давлатдан сўмкупонлик вақтда 40 миллион қарз олдик, — дейди кичик корхона раҳбари Хўжаёр Қаҳҳоров. — Сўнг қурилиш бригадаси тузиб ишни жадаллаштириб юбордик. Ўзи қишлоққа саноатни олиб кириш, бу ерда кичик корхоналарни кўпайтириш шу куннинг долзарб вазифаси. Биз шунга амал қилаяпмиз.

Элбек Набиевнинг тумандаги консерва заводида директор бўлиб иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт мобайнида у ташаббус билан чиқиб, салмоқли ишларга қўл урди. Заводда янги-янги имкониятлар ишга солиниши натижасида маҳсулот тури ҳозирги кунда 40 хилга етди. Етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми истеъмолчи талаб ва эҳтиёжига асосан тайёрланмоқда. Бу эса маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлаяпти.

Қашқадарё улкан бир бешик. Бу бешик бағрида камол топган соҳибқирон Амир Темур, юлдузлар илмининг султони Мирзо Улуғбек, жаҳон ҳамсачилигига асос солган Хисрав Деҳлавий ва яна қанча-қанчалар олиму фузалолар, нозимлар юрти. Ҳатто ишқу-муҳаббат бобида ҳам бу юртнинг ўзига хос тарихи, мероси мавжуд. Шу маънода Ғузор туманининг «Тоҳир-Зуҳра» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудида бунёд этилган Тоҳир-Зуҳра мажмуасини зиёрат қилар эканмиз, бехос кўнглимиз маҳзун кайфиятлар туйди. Афсонага айланмиш икки севишганлар яшаган давр кўз ўнгимизда намоён бўлаверди. Уларда кесиб ўтолмаган қисмат чизиқларини илғадик... Қабрлари теграсида фотиҳага қўл очдик... Ва мажмуа ён-атрофига экилган турфа гуллардан руҳ олиб яна йўлга чиқдик.

Ғузор туманидаги Й. Охунбобоев номли жамоа ширкат хўжалигида бўлганимизда хусусийлаштиришга жуда катта эътибор берилаётганининг шоҳиди бўлдик.

— Илгари йил давомида далаларни ҳар хил бегона ўт қоплаб ётарди, — дея гап бошлади хўжалик бошқаруви раиси Абдураззоқ Меликулов.— Одамларни жалб этолмай хуноб бўлардик. Бугун эса аҳвол бўлакча. Ер бўлиб берилган. Кайфият ҳам ўзгача. Энди ерга хўжайинлик, масъулият ҳам ортиб боряпти-да одамларда. Бизда 1540 гектар майдонга чигит экилган. 39 та ижарачи бригадалар пахта етиштиради. 835 гектар ерда «Бухоро-6», қолган жойда эса «Юлдуз» навли пахта етиштириляпти, ҳамма қуйиб-пишиб ишлаяпти. Қувонарли томони шундаки, бу йил ўтган йилга нисбатан 25 кун олдин тўлиқ кўчат олдик. Ғўза ривожи яхши.

Мана, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Орол Алладўстов бошлиқ ижарачилар бригадасини олайлик. Улар янгиликка чанқоқ.

— Жами 73 гектар еримиз бор, — дейди Орол бува биз билан суҳбатда. — Бунинг ичида пахта, ғалла, картошка ва пиллани етиштиришга мўлжалланган майдонлар мавжуд.

— Ернинг кишиларга ижарага берилиши самара бераяптими?

— Бўлмасамчи! Тўғрисини айтиш керак: илгари одамлар қўл учида меҳнат қиларди. Чунки ишлаб барака топмасди. Ислоҳотларнинг қишлоқларимизга кириб келиши бу ҳолатларга барҳам берди. Ерни ижарага олганлар ўз ҳовлиларида ишлаётгандек меҳнат қилаяптилар. Чунки моддий манфаатдорлик зўр-да. Расулов Норбой, Баҳоров Эрмат, Расулов Эрназар, Турдиева Дилафрўз, Ботирова Назира, Бозорова Саломат, Бозорова Саидалар худди шундай ишсевар хизматчилардан.

Инқилобдан илгари Ғузор бегининг боғи ҳисобланган 25 гектарлик улкан майдонда хўжалик ниҳоятда чиройли боғ барпо этди. Уни соҳибқирон Амир Темур боғи деб атаб келаяптилар. Боғга кираверишдаги йўл гирдига «Хон бўлсанг ҳам боғ ярат, гадо бўлсанг ҳам боғ ярат. Бир кун-мас, бир кун мевасини татирсан» деб ёзилган жаҳонгир бобомизнинг тузукларига мансуб лавҳа битилгани ҳам бежиз эмас.

Иқтисодий қизиқишлар қамровида маънавиятдан ажралмайлик, деган тушунчада тумандаги «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғида шеърият ва «Ўзбекистон овози» газетасига бағишланган тантанали кеча уюштирилди. Таниқли шоирлар ўзларининг шеърларидан ўқиб бердилар. Шеърият ва адабиётга доир савол-жавоблар бўлди. Газетанинг бугунги фаолияти, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлардаги бевосита ҳиссаси хусусида фикрлар, турли мулоҳазалар, истак ва тилаклар изҳор этилди.

Маълумки, Ғузор тумани ҳам ўзига хос тарихга эга. Бу ердан карвон йўллари ўтган. Бу тупроқдан не-не олимлар, фозиллар чиқмаган дейсиз. Мана шунинг учун бўлса керак, боғда йиғилган минглаб кишиларнинг маънавиятга бўлган муҳаббати, шеъриятга бўлган чанқоқлиги, рўзномага бўлган қизиқиши беназир ҳурмат ва эҳтиромнинг намойишига айланиб кетди.

Мамлакатимизда саноатга эътибор кучайяпти. Айниқса, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар халқимизни умидвор қилмоқда, келажакка ишонч ортяпти. Бу соҳадаги ишлар аҳволи билан танишмоқ истагида Муборак туманидаги газни қайта ишлаш заводида бўлдик.

— Бу киши мана шу заводнинг директори, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси Нуриддин Зайниев бўладилар, — дея бизга пешвоз чиққан кишини таништирди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов.

— Заводимиз ниҳоятда йирик корхона ҳисобланади, — дея гап бошлади Нуриддин Зайниев. — Бир йилда республикамиз ва Марказий Осиё давлатларига 24 миллиард кубометрдан зиёд тозаланган газ етказиб беради. Дунёдаги энг йирик газ конденсати шу ерда десак муболаға қилмаган бўламиз. Ўзбекистоннинг фахри десак янглишмаймиз.

Дарҳақиқат, хонадонларга улашиладиган «зангори олов»нинг манбаини ҳали кўпчилик яхши билмайди. Устма-уст тортилган сон-саноқсиз катта-кичик қувурлар қандай кучга қодир эмас, дейсиз? Илгари бу корхона деярли бутун Иттифоқни газ билан таъминлаган. Энди мустақил юртимизга хизмат қилмоқда.

Биз заводнинг 10-цехида бўлганимизда у ерда ҳозирги бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб иш юритилаётганининг, янги тажрибалар қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Бу цехда ускуналар қайта ишланади, — дейди цех бошлиғи Қобил Мўминов. — Битта гап: илгари ҳар бир ускуна, унга зарур деталНи МДҲ давлатларидан келтирардик. Яна денг, қанча валюта эвазига. Энди бунга чек қўйдик. Боиси барча ускуналарни ўзимиз таъмирлаб, ўзимиз тайёрлаяпмиз. Бу эса бизга миллион-миллион даромадни фойдага қолдираяпти. Ҳатто ишлаб чиқарилган бир қисм ускуна ва деталларни МДҲдаги турдош корхоналарга сотишга муваффақ бўляпмиз. Кадрлар масаласини ҳам тўлиқ ҳал қилдик. Айниқса, миллий ишчи кадрларга эътибор диққат марказимизда.

— Мўминов тўғри айтаяпти, — дея гапга қўшилди завод директори. — Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан буён ўзимизнинг маҳаллий кадрларни тарбиялашга жуда катта эътиборни қаратаяпмиз. Бу борада алоҳида бурч ва масъулиятни ҳис этамиз. Юртбошимиз корхонамизга ташриф буюрганларида ишчи-ходимларни хорижга малака оширишга юбориш керак, деган таклифни ўртага қўйган эдилар. Шундан сўнг ходимларимиз Буюк Британия, Франция, АҚШга бориб тажриба орттириб келишди.

— Иқтисодий ислоҳотлар завод ҳаётида қандай ўзгаришлар ясаяпти?

— Ҳукуматнинг энергетика мустақиллигини таъминлаш дастури бўйича уч йил ичида ҳар бири 2 миллиард куб-метр газни қайта ишлашга эга бўлган учта блок ишга туширилди. Илгариги совет тузумида эса шу сингари блокнинг фақат биттасини қуриш учун камида уч йил сарф бўларди.

Қисқаси, мазкур газ мажмуаси жамоаси юксалиш ва изланиш йўлидан бормоқда. Завод жуда катта таъмирлаш ишларини амалга оширди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз истиқболи ва келажагига хизмат қилажак...

**Биз вилоятдаги кўпгина ташкилотлар, корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш, савдо шаҳобчаларида бўлдик. Бу жамоаларнинг ҳар бири фаолияти ҳақида бот-бот ёзсак, улар тажриба ва ташаббусларини юртимиз бўйлаб кенг ёйсак ҳар қанча арзийди. Албатта, улар тўғрисида ҳали кўп ёзилади. Лекин шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган доно сиёсат кишиларни ҳақиқий меҳнат қилишга, янгича ижодий фикрлашга, изланишларга ундаётир. Қашқадарё вилоятидан қайтар эканмиз, ҳануз кишиларнинг чеҳрасидаги мамнуният, севинч кўз олдимиздан кетмайди. Одамларнинг мулкка бўлган муносабати, эркинлиги, айниқса ернинг ўз эгаларига топиб берилиши ёрқин келажакка, бахтли турмушга, тўкин дастурхонга умид боғлаяпти дилларда!**

**Азим СУЮН,**
**Собир ҚУРБОНОВ,**
**Улаш УМАРОВ,**
**Илҳом КАРОМОВ.**

# ТЕЖАМКОРЛИК — БОШ ОМИЛ

**Ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Вазирлар Маҳкамаси ёнилғи ресурсларини тежаш комиссияси йиғилишида ёнилғи ресурсларини тежаш ва бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар, салбий ҳодисалар рўй-рост гапирилганди. Хўш, жойларда бу соҳада ана шу мажлисдан сўнг қандай ўзгаришлар юз бермоқда?**

Сирдарё вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасида айни кезларда қилинаётган ишлар, корхонага қарашли Гулистон, Ховос, Сирдарё нефть базаларидаги шароитлар билан танишдик.



— Тасаруфимизда 43 та «Автоёқилғи қуйиш шохобчаси» бор,— деб гап бошлади корхона бош директори Қўчқор Шерматов.— Аввало, одамлар манфаатини ўйлаб иш тутяпмиз. Нефть ва ёнилғининг барча турларининг тежаб, исроф қилмасликка ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг вазифамиз заҳирадаги нефть маҳсулотлари сифатини бузмаслик, уларни сақлаш ва сотиш чоғида ҳар хил қинғирликларга йўл қўймаслик. Хуллас, назоратни ички имкониятларимиздан келиб чиқиб йўлга қўйишни шароит тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилда чигит экиш чоғида ўтган йилларга қараганда 8 минг, бошқа соҳаларда эса 4 минг тонна ёнилғини тежаб қолишга эришдик. Демак, тежамкорликни бош омилга айлантиришимиз керак.

### *Ёнилғи ресурсларидан қандай фойдаланиляпти?*

Гулистон нефть базасининг таъминот бўлимидамиз. Қувонарлиси, бу ерда автомобиллар устахонасидан ҳам, мой алмаштириш, ёнилғи қуйиш, ҳатто эҳтиёт қисмлар дўконидан бир йўла баҳраманд бўлаётган одамларни учратдик. Барчасининг гапларидан англадикки, бундай қулай шароитни яратганларга «балли» дейишяпти мижозлар. Шу мажмуанинг етакчиси Маҳсуджон Собировни саволга тутамиз. У эса кўп гапирмайди. «Халқ мамнун бўлса, уларнинг корига яраётганлигимиз рост бўлса, демак ишлаётганлигимиз ҳам рост», дейди у.

Ҳақиқатан ҳам вилоятнинг бошқа нефть базаларида бўлганимизда ҳам ишчанлик кайфиятидаги, элга сидқидилдан хизмат қилаётган тармоқ фидойиларининг ишлари устидан чиқдик. Шарқона безаклар билан қурилган, ўзида гўзаллик, кўркамлик акс этган бензин қуйиш шаҳобчаларида қурилган бинолар меъморчилигимиз намунаси десак бўлади. Мижозлар шу биноларда яратилган шароитдан мамнун. Ўтган йили корхона халқ хўжалигига исрофгарчиликсиз 172787 тонна ҳар хил турдаги нефть маҳсулотлари етказиб бериб, режани 101 фоиз бажарди. Жорий йил режалари ҳам чакки эмас. Халқ хўжалигига биринчи чоракда 23140 тонна нефть маҳсулотлари етказиб берилганлигининг ўзи юқори кўрсаткични ифодалаб турибди.

— Айниқса, автобензин тақсимотидаги тақчилликнинг олди олинди, — деди корхона режа-тақсимот бўлими бошлиғи А. Пирматов.— Шу йилнинг ўзида вилоятга автобензин ресурслари белгиланган режага нисбатан кам ажратилганлигига қарамасдан аҳоли шахсий автомашиналари учун 10786 тонна автобензин сотилди.

Ҳақиқатан ҳам бугун ҳаётимизни нефть маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин. Ҳукуматимиз бу йўлда бир қатор тадбирлар ўтказяпти. Мақсад — ёқилғи ресурсларидан самарали фойдаланиш ва шу йўл билан иқтисодиётимизни, ҳаётимизни янада тараққий эттириш. Хуллас, четдан бу турдаги маҳсулотларни кам келтириб, иложи бўлса келтирмай ҳам, ўз имкониятларимизни тўла ишга солишни ташкил этиш тармоқ ходимларидан фақат тежамкорликни талаб этмоқда. Бу йўлда биз ҳам Сирдарё нефтчиларига сабот тилаб қоламиз.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**СУРАТДА: Гулистон шаҳар нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасига қарашли пуллик автоёқилғи қуйиш шаҳобчасининг катта оператори Бахтиёр Абдуллаев ва ёнилғи етказиб берувчи ҳайдовчи Муҳаммад Мирзакаримов.**

**Муаллиф олган сурат.**

# ЮКСАЛИШ ИМКОН ТАНЛАМАЙДИ

**Бизнес пресс танловига**

**Ўтган йилги ўрта ва кичик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир қарор ва фармонлар Зомин туманидаги бадиий буюмлар фабрикасини ҳам очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирди.**

Очиқ турдаги «Тамара» ҳиссадорлик жамияти аввалига номинал қиймати 200 сўмдан 819 та оддий ва 200 сўмдан 43 дона имтиёзли, жами умумий қиймати 172400 сўмлик акциялар чиқарди. Акциялар кўп йиллардан бери самарали ишлаб келаётган ишчи — хизматчиларга сотилади. Тўғриси, уларни олиш ва очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтиш жараёнида айрим ишчиларда иккиланиш, ҳадиксираш пайдо бўлди.

Хўш, мазкур жамиятда ўтган қисқа вақт ичида қандай натижалар юз берди? Бу саволга жавоб топиш учун жамият аҳли ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўрсаткич рақамларига мурожаат қиламиз. Акционерлик жамияти 1994 йилда 418 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши керак эди. Бу кўрсаткич йил давомида I миллион 584 минг сўмга бажарилди. Шундан тикув маҳсулотлари I миллион 406 сўмни, трикотаж маҳсулотлари 72 минг сўмни, гилам маҳсулотлари 105 минг сўмни ташкил этди. Маҳсулотларни 30 дан ортиқ савдо базалари I миллион 31 минг сўмга харид қилдилар. Тайёрланган маҳсулот таннархи I сўм 95 тийинни ташкил этди.

Натижада жамоа аҳлининг тадбиркорлик билан иш юритиши туфайли ўтган бир йил ичида I миллион 135 минг сўм даромад олинди. Шундан 317 минг сўми соф фойда. Хўш, ана шу соф фойда нималарга сарфланди? Турли солиқ ва тўловлардан ташқари ҳиссадорлар дивиденд фондига 63 минг сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига 64 минг сўм, ишчи — хизматчиларни моддий рағбатлантиришга 67 минг сўм ва резерв фондига 6 минг сўм ажратилди. Шу боисдан ҳиссадорлик жамияти айни кунларда асосий кўрсаткичлар бўйича вилоят маҳаллий саноат корпорацияси ташкилотлари ўртасида иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бу рақамлар билан танишган кишида ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақиқатан ҳам зўр экан, жамоада ҳеч қандай қийинчилигу бозор муносабатлари муаммолари йўқ экан, деган фикр туғилиши мумкин. Аслида ундай эмас. Жамоа юқоридаги ютуқларга сир эмаски, ниҳоятда катта интилувчанлик, қийинчиликлар ва машаққат билан эришмоқда. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Биргина мисол: тайёр маҳсулотларни сотиб олиш учун буюртмачиларнинг ҳисобида пул йўқ. Ҳиссадорлик жамияти ҳисобида пул кўп. Лекин банкда пул бўлмаганлиги туфайли хом ашё учун пул ўтказишнинг иложи бўлмаяпти. Ҳиссадорларнинг хом ашё заҳираси тугаяпти. Шундай бўлишига қарамасдан жамоа асосий эътиборни нарх ўсиш суръатини пасайтиришга, миллий валютамизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун жамоада меҳнат қилаётган 400 дан зиёд ишчи-хизматчининг унумли меҳнат қилишига, ишчилар даромадларини барқарорлаштиришга эришилмоқда.

Албатта, жамоадаги соғлом муҳит, ишчиларнинг бир-бирини тўғри тушуниши, маъмурият билан жамоа ўртасида меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ришталарининг мустаҳкамлиги ютуқлар омили бўлмоқда. Масалан, оилавий шароити оғир бўлган 34 нафар ишчига моддий ёрдам берилди. Наврўз ва Қурбон ҳайити байрамларида уларга совға-саломлар, мукофотлар тарқатилди. Бундай ғамхўрликни ҳис этиб турган ишчиларнинг қадрдон меҳнат жамоасига бўлган ишончи, ҳурмати ортмоқда.

Иш яхши ташкил этилганлиги енгил саноатчиларни имкони борича ички имкониятлардан фойдаланишга, чиқитсиз ишлаш ҳаракатига ундамоқда. Маҳсулот қийқимларидан енгча, салфетка, поёндозлар тайёрланяпти. Жамоада асосий шиор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифатини жаҳон бозори талабларига етказиш, кичик технологияни ишга туширишга қаратилган.

Палос ишлаб чиқариш цехи жамоага катта фойда келтирмоқда. Унга тажрибали ишчи, салкам чорак асрдан буён шу ерда меҳнат қилиб келаётган Ҳадича Йўлдошева раҳбарлик қилади. Бунда Манзура Алматова, Санобар Норматова, Гулнора Шойзоқова каби ишчилар янги-янги бадиий нақшлар билан палосларга безак беришади. Яқинда тикиш цехида иш секинлашди. Сабаб хом ашёга эҳтиёж бўлди. Жамоа тезда тикиш цехида шолча тўқишни йўлга қўйди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, эришилган ютуқлар камчилик ва муаммоларни йўл-йўлакай бартараф этиш асосида қўлга киритилмоқда. Ҳиссадорлик жамиятининг туман қишлоқларида кўплаб тикувчилик цехлари бор. «Зарбдор» ижара-ширкат бирлашмаси ҳудудидаги филиаллар хом ашё йўқлиги сабали тўхтаб турибди. Аёнки, ишчилар бекорчи, маош олмаяптилар. Цех бошлиқлари О. Норматов ва У. Нишоновлар «хом ашё берсанг ишлайман, бўлмаса йўқ» қабилида иш тутишмоқда.

Энди боқимандалик кайфиятига ўрин йўқ. Изланиш, тадбиркорликкина ҳар қандай жамоани иқтисодий турғунлик ва таназзулдан олиб чиқади. Ҳолбуки, уларда цехни хом ашё топиш мумкин бўлган соҳаларга мослаб ўзлаштириш имкони бор. Масалан, улар ҳам маҳаллий хом ашё ҳисобига шолча, гилам тўқиш ишларини йўлга қўйса бўлади-ку!

— Жамоамиз бу йил 3 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқариши керак, — дейди акционерлик жамиятининг раиси Тамара Толипова. — Бу ўтган йилга нисбатан 180 фоиз ўсишни ташкил этади. Асосий мақсад тикув маҳсулотларини 2 миллион 779 минг сўмга етказиш. Йил давомида энг мақбул андозалар асосида замонавий уст-бошлар, қолаверса, миллий руҳ ва анъаналаримизни ўзида мужассамлаштирган миллий либослар тайёрлашни кўпайтирамиз. Гилам, полос, шолча ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади.

Тайёр маҳсулотларни сотиш учун мамлакатимиздаги 6 та савдо базаси билан шартнома тузганмиз. Хом ашё билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Марғилон, Бухоро, Наманган, Андижон, Тошкент тўқимачилик комбинатлари билан газмол, ипга, Олтиариқ ҳиссадорлик жамияти билан жунли ипга шартномалар тузилган. Биз қийинчиликларни енгиб, ишлаб чиқариш ҳажмини 3-4 баравар кўпайтириш ниятидамиз. Мақсадимиз — мустақил республикамиз иқтисодий қудратининг юксалашига муносиб улуш қўшиш.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
***Жиззах вилояти.***

## „Биз ким, мулки Турон"...

### ИЛК САВДО

**Тожикистон Республикасининг миллий валютаси кенг муомалага киритилмоқда. Куни кеча мамлакатнинг банклараро валюта биржасида биринчи валюта савдосиц бўлиб ўтди. Унда 1 АҚШ доллари 50 тожик рублига тенг бўлди.**

### БАНК МУТАСАДДИСИ ТАШРИФИ

**Бишкек.** Европа тикланиш ва тараққиёт банки Қирғизистон иктисодиётини яхшилаш учун қарз бериш ниятида. Ушбу банкнинг вице-президенти Рональд Фриман раҳбарлигидаги делегация Бишкекга ташриф буюриб, республикадаги аҳволни ўрганиб чиқди.

Рональд Фриман журналистлар билан учрашиб, банкнинг республикага берадиган маблағи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, алоқа тармоқларини қайта таъмирлаш, «Қумтор» олтин конидаги электр жиҳозларини такомиллаштириш ва Иссиққўлни замонавий шаҳарга айлантириш учун сарфланишини айтди.

### ҒАЛЛА ЭКИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Қозоғистоннинг жанубий вилоятларида ғалла экиш якунланди. Мамлакатнинг шарқида ва унинг марказида экиш ишлари давом этмоқда.**

**Умуман, бу йил Қозоғистонда 19,5 миллион гектар ер майдонга ғалла экилади. Бу эса ўтган йилгидан 1,2 миллион гектарга камроқдир. Экин майдонларининг бир қисмига эса маккажўхори экилди. Мамлакатда экиш ишлари ҳар қандай шовқин-суронсиз, турли чақириқларсиз ўтказилмоқда. Ёнилғи етишмаслиги, айниқса, ёғингарчиликлар бўлмаётганлиги ғаллакорларга халақит берса ҳам улар мўл ҳосил олишни режалаштиришмоқда. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан хабар қилишларича, бу йил мамлакатда 21 миллион тонна дон етиштирилади. Унинг асосий қисмини буғдой ташкил этади. Айниқса, Қозоғистон донига бўлган нархнинг ошаётганлиги шароитида бу катта марradир. Шуни айтиб ўтиш керакки, учинчи тоифадаги доннинг ҳар тоннасига 93 АҚШ доллари тўланаётир.**

**(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**


**БИЗНЕСМЕНЛАР ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик бизнес шаҳри бўлиб бормоқда. Шу боис ҳам «Элимдилим» фирмаси республикамиз вилоятларидаги ва бошқа қўшни давлатлардаги фирма, корхона, жамоа хўжаликлари, қўшма ва шахсий фирмаларнинг катта бизнесда фаол қатнашишлари учун уларнинг ваколатхоналарини нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан арзон нархларда Тошкент шаҳрининг марказидан очиб беради. Ваколатхоналар 1 хона 1 ўринли, 1 хона 2 ўринли, 2 хона 2 ўринли бўлиб, бинонинг юқори қаватида жойлашган. Хоналарда санузель, душ, телефон, телевизор ва бошқа қулайликлар бор. Шунингдек, фирма сизларни эрталабки иссиқ нонушта билан бепул таъминлайди.

Бизнинг секретарь-референтларимиз ва теле-факс, компьютерларимиз доимо сизнинг хизматингизда. Иш вақтингиз чекланмаган. Сиз доимо бизнесменлар билан мулоқотда бўлиб, янги фикрлар ва дунё бизнеси ҳақида маълумотга эга бўласиз. Ваколатхонангизда яхши дам олишингиз, ишлашингиз, меҳмонларингизни кутиб олишингиз учун ҳамма шароитлар яратилган.

**СИЗНИ КАТТА БИЗНЕСГА ЧОРЛАЙМИЗ!**
**БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ АСЛО ЮТҚИЗМАЙСИЗ!**

**Телефон: (8-3712) 42-69-18, 42-81-30**

## СПОРТ

· *Халқаро теннис*

### ФАРҒОНАЛИКЛАР ОЛҚИШИ

**· «Буюк ипак йўли» — Сателлит халқаро мусобақасининг учинчи босқичига ҳам якун ясалди.**

Маълумки, «Президент кубоги» учун халқаро теннис баҳсига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан саналган анъанавий Сателлит — йўлдош мусобақасининг ўтказилаётгани кучлиларни саралашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидан меҳмон бўлиб келган моҳир теннисчилар Тошкент ва Самарқандда ўтказилган мусобақалардан кейин Фарғонага йўл олишган эди. Бу ерда янги фойдаланишга топширилган «Истиқлол» теннис саройида мусобақа уюштириш учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Мухлислару спортчилар қарийб ҳафта мобайнида ўзига хос байрамни нишонладилар.

Ғолиблик сари даъвогарлик қилишни Тошкентда бошлаган теннисчимиз Олег Огородов Фарғонада ҳам ўзини кўрсатди. У Тошкентда франциялик Жером Лосталот билан ҳал қилувчи баҳсда учрашиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлган эди. Самарқандда эса унга ҳамюрти Дмитрий Томашевич рўбарў бўлди. Олегнинг қадимий шаҳарда ҳам қўлини баланд келиши, унинг келажаги порлоқ теннисчи эканлигидан нишонадир. О. Огородовни фарғоналиклар ҳам ажойиб ғалабаси билан самимий олқишладилар. Йилдан-йилга маҳорати ошиб, жаҳон миқёсидаги кучли теннисчилар қаторида 220-бўлиб турган Олег ўз мақомини янада яхшилашга интилмоқда. Агар у бўлажак Олимпиада баҳсларига қадар ўз мақомини камида 130 га етказса, жаҳон спортчиларининг йирик анжуманига йўл олиши мумкин бўлади.

· *Футбол*

### ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАШДИ

**· Олий лига жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 9-тур ўйинлари бўлди.**

Бу сафарги учрашувлар натижаси пешқадамлар мавқеига деярли таъсир қилмади. Кичик ҳисобли ғалабалар кўпроқ қайд этилди. Фақат Термиз ва Янгиер шаҳарларида ўтказилган ўйинларда йирик ҳисобли ғалабалар бўлди. Ҳозирча фарғоналик футболчилар ягона пешқадамлик қилишмоқда. МҲСК футболчилари мавқеларини мустаҳкамлашди. Ўйинлар тақвимига назар ташлайдиган бўлсак, унда бор йўғи учтагина ноль қолгани кўринади. Чунончи, «Нефтчи» ҳали биронта ҳам мағлубият аламини тортмаган бўлса, «Темирйўлчи» ҳисобида ҳозирча дуранг натижа йўқ. Жамоалар яна бир неча ўйинлардан кейин оралиқ маррага етиб, довон ошадилар. Лекин мавсум бошидан буён ўйинларни сусткашлик билан ўтказаётган «Политотдел» футболчилари мухлислари ранжишмоқда.

Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Темирйўлчи» — «Динамо» — 1:0, «Сўғдиёна» — МҲСК — 0:1, «Политотдел» — «Навбаҳор» — 0:1, «Пахтакор» — «Нурафшон» — 1:1, АСК — «Машъал» — 4:2, «Наврўз» — «Чирчиқ» — 1:0, «Янгиер» — «Атласчи» — 3:0, «Трактор» — «Нефтчи» — 1:1.


"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

*Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.*

*Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.*

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

*МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.*
*МАРКАЗИЙ БАНК.*
*ЖАМҒАРМА БАНКИ.*
*АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.*
*ЎЗБЕКСАВДО.*
*ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.*

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!



"ЭМАЛЬ"

ОЧИҚ ТУРДАГИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ПФ-115 оқ, зангори, пистоқи, фил суяги рангидаги эмалларни; ПФ-266 пол учун эмални

СОТАДИ




Бўёқ идиши қайтариб олинмайди.

Чек ёки аккредитив бўйича ҳақ тўланади.

Тошкентдан харидорнинг ўзи олиб кетади.

Манзилимиз: 700073, Фарғона йўли кўчаси, 3-тор кўча, 73-уй.

Телефонлар: 34-24-57, 67-77-57, 68-53-88, 91-56-20.



ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан

386 DX 40/4/270/512/ SVGA 0,28 русумли компьютерлар ва уларга STAR 1500 тоифадаги принтерларни

50 кг.га мўлжалланган жут қопларини

3,2 л. сиғимдаги термосларни

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 68-53-53, 68-66-06.



ПФ эмали, МА бўёқларини *СОТАМИЗ*




ёки




,




,




*алмаштирамиз.*

Сертификати бор.

Мурожаат учун телефон: /3712/ 41-89-69.




## ҚЎЛЛАРИ БИЛАН "КЎРУВЧИ" ОЛЯ



*Кўзи ожизлар мактабидаги ғайриоддий тажриба ҳақида*

**ШИФОКОРЛАР** ҳар қанча уринмасин харьковлик учинчи синф ўқувчиси Оля Тихоновага ёрдам беришолмади, ожизлик қилишди. Ахир, сеҳргар эмаски, «куф-суф» билан «тузатиб» юборишса. Қизча кўр бўлиб қолди. Ва энди унинг кўзларини очиш инсоннинг қўлидан келмайди. Харьковдаги кўзи ожизлар мактаб-интернатида тарбияланаётган деярли икки юзга яқин болалар сингари энди Олянинг ҳам кўзлари унга хизмат қилмайди. Бироқ бошқалардан фарқли ўлароқ Оля барибир «кўради».

Ғайритабиий хусусиятга эга одамлар қўллари ёрдамида ранг ва ҳатто тасвирларни ҳам бехато айтиб бериши қадимдан маълум. Тўғри, Оля Тихоновага табиат бундай хусусият ато этмаган. Аммо қизча бугунги кунда «қўл кўзлари» билан барчани ҳайратда қолдирмоқда. Қизда бундай сифатнинг пайдо бўлишида мактабнинг тадқиқотчи ўқитувчиси Виктор Мизрахининг роли жуда катта.

«Қўллар билан кўриш» сирларини топиш ва ўрганиш, уни сўқир болаларга ўқитиш услубини ишлаб чиқиш учун Викторга саккиз йил керак бўлди. Ҳозирга қадар бу борадаги тадқиқотлар фақат назария билан чекланган эди, амалиётда эса биринчи бор ижобий натижага эришилди: уч ойлик таълимдан сўнг Оля ва унинг тенгдоши, тўғрироғи, синфдоши Спартак Наумов ўз қобилиятларини синаб кўришди.

Олянинг олдига турли рангларга бўялган қоғозлар териб қўйилади, у қўллари билан қоғозларни пайпаслаб, унинг рангларини бехато айтиб беради. Сўнг қизча олдига турли жониворлар чизилган расмлар қўйилади. Оля яна аниқ айтади: «Бу—жайрон, бу—фил, бу эса тимсоҳ...» Менинг илтимосимга кўра, столга чўнтак йилномасининг аёл сурати туширилган томони қўйилади.

— Бу аёлнинг расми,— дейди Оля.

— Сен аёллигини шунчаки айтяпсанми ёки унинг юзини кўряпсанми?— ҳайратланиб сўрайман ундан.

— Албатта, кўряпман. Унинг сочлари узун, тим қора.

Олянинг кўзлари боғланган. Бу «тажриба»нинг соф ўтиши учун эмас, Виктор Мизрахининг тушунтиришича, қизчада ҳали ёруғликни «кўриш қолдиқлари» бор. Бу уч фоизлик «қолдиқ» билан ҳатто яқиндан бирор нарсани кўриб ва англаб бўлмайди, албатта, аммо «кўриш қолдиқлари»нинг ёруғликни қабул қилиши қўл билан аниқ-тиниқ «кўришга» халақит беради. Олянинг тасдиқлашича, тасвирлар унинг «ички экрани»да намоён бўлади.

— Бу «экран»ни кўр бўлиб қолган ҳар бир кишида «тиклаш» мумкин,— дейди Виктор Мизрахи.— Фақат туғма сўқирлар бундан мустасно. Негаки, кишида кўриш хотираси шаклланган бўлмоғи шарт. Қачонлардир кўрилган, томоша қилинган тасвирлар кўр бўлиб қолгандан кейин ҳам кўриш марказида қайта туғилади. Фақат кўз вазифасини бошқа нарса эгаллайди. Хўш, бу вазифани нега энди қўллар бажармас экан?

**КЎЗИ ОЖИЗ** одамларда вақт ўтиши билан айтиш мумкинки, компенсатор (баъзи механизмлар ишидаги меъёрий ҳолатдан оғишларни компенсациялаб турадиган ёки нарсалар орасидаги фарқни ўлчайдиган асбоб) вазифасини бажарувчи қобилият ривожланиб боради. Масалан, эшитиш қобилиятини олиб кўрайлик, у ўта кучайиб кетади. Компенсатор вазифалардан бири — қўл кафтларининг иссиқлик нурланишига сезгирлигини оширишдан иборат. Ҳар бир ранг характерли нурланишга эга бўлиб, унинг иссиқлик кучи ҳам характерлидир. Қўл кафтлари худди шу иссиқлик кучи таъсирида ранг қанақа эканлигини «кўради». Лекин у фақат рангларни ажратиш учунгина етарли. Тасвирларни илғаш учунчи? Худди шу жойда «оралиқдаги бошқарув» ишга тушади. Бунда объектдан маълум масофадаги ранг-тасвир қўл кафтларида акс этади ва у бош миядаги кўриш марказига «жўнатилади». Шу пайт унга хотира «уланади» ва «ички экран» ишга тушади.

— Ҳаётимда ғаройиб хусусиятли бир болага дуч келганманки, у кафтлари ёрдамида рангларни аниқ айтиб бера оларди. Қизиғи шундаки, у табиатан бундай хусусиятга эга эди,— деб ҳикоя қилади В. Мизрахи. — У айрим геометрик шаклларни ҳам аниқ «кўрарди». Табиат ато этган ундаги бу ҳисларни ўрганиш учун кўп ишладим.

Охир оқибат В.Мизрахи улардаги ноёб қобилият «калитини» — «ички экран»ни қандай қилиб ишга солиш услубиятини ишлаб чиқишга эришди. Ҳақиқатан ҳам қўллар кўз вазифасини «бажариши» ҳақидаги фактлар учраши ҳаётий воқелик. Оляга фил расми туширилган улкан тасвирни биринчи бор берилган пайтда (бу даврга қадар у «кўрган» расмлар кафтларига мос ҳолда кичик эди) уни икки қўллаб «кўришга» мажбур бўлди, бироқ сурат барибир чаплашиб кетгандек туюлаверди. Қачонки қизча сурат билан кафтлар орасидаги масофани меъёрий ҳолга келтиргачгина сурат унинг учун тиниқлашди ва суратда нима акс этганини аниқ айтиб берди.

**ВИКТОР МИЗРАХИ** услубияти ҳозир амалиётда кенг қўлланилаяптими ёки йўқми, бизга номаълум. Кўзи ожизларнинг кўчада қоқилмай-сурилмай юришига мазкур янгиликнинг нафи қанчалик тегади буниси ҳам қоронғу. Аммо шу нарса маълумки, кўзи ожизлар кафтлари ёрдамида «дунёни кўриши», ранглар жилосига бурканган бу оламда, нурли ҳаётда ўз ўринларини топишига кенг имкониятлар очиб беради.

**(«Труд» газетасидан Алимқул СУЛТОНОВ ўгирди).**

*Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

## НАФСИ ЎПҚОН

Урганган кўнгил уртанса қуймас, деганларидек Рўзмат яна эски «ҳунари»ни қўмсаб қолди. Уйқуси келмасди. Қаердан тузукроқ «ўлжа» умариш йўлини ўйлай бошлади. Майда-чуйдага қўл ургиси келмади. Бирдан «Даврон» ҳамда «Гулноз» хусусий дўконларини эслаб қолди.

Ҳамма ширин уйқуга кетган. У тезда Беруний шаҳар Кат кўчасида жойлашган дўконлар ёнига келди. Атрофнинг сукунатлигидан кўнгли анча хотиржам бўлди. Вақтни бой бермай «Даврон» хусусий дўконининг орқа эшигини бузиб, ичкарига кирди. Дўкондаги турли-туман чет эл маҳсулотлари Рўзматнинг «иштаҳа»сини очиб юборди. У вақтни ўтказмасдан аёллар ва эркаклар кийим-кечакларидан тортиб, то «Бомбим бум» резина сақичигача, «Родопи» сигаретидан, «ВАЗ-2101» автмашинасининг орқа фонарларигача, жами 20 хил маҳсулотни хуржунга жойлади. Сўнг у «Даврон» орқали «Гулноз» хусусий дўконига ўтди. Чет элларда ишлаб чиқарилган 23 та аёллар жемпери, 2 дона «Монтана» курткасини, 41 метрдан зиёд Покистонда ишлаб чиқарилган «Грибкасит» товарини, Хитойда чиқарилган 12 дона аёллар шими, жами 10 хил товарни сумкасига жойлади. Рўзмат чиқаётиб сотувчи Илҳом Қобуловнинг иш жойида қолдириб кетган электроника микрокалькуляторини ҳамда «Кварц» қўл соатини ҳам чўнтагига жойлаб кўздан ғойиб бўлди.

Эртасига Беруний туман ИИБда тезкор гуруҳ тузилиб, ишга киришилди. Дўконлар атрофи, ичкарилар синчковлик билан кўздан кечирилди. Уғрининг устамонлиги тезкор гуруҳ ишини янада қийинлаштирди. Туну кун қилинган ҳаракатлар бефойда кетаверди.

Рўзмат «ўлжа»нинг бир қисмини қайнотасининг боғига жойлади. Қолганини кўнгли хотиржам бўлиши учун ўз уйига келтирди. Энди у тезроқ товарларни пулга айлантириш ҳақида ўйлай бошлади. Шу пайт уйига эски таниши Алишер Рўзимов келиб қолди. Салом-аликдан сўнг Алишер Рўзматга сўз солди.

— Дўстим, пул қарз олганингга ҳам анча бўлди. Ҳали сўрамоқчи эмасдиму, лекин пулга муҳтож бўлиб қолдим. Шуни берсанг.

— Ҳозирча пул йўқ, — дангалига ўтди Рўзмат. — Яхшиси мана бу жемперларни ол. Чет элники. Сотганингдан кейин ҳисоб-китоб қилаверамиз.

Рўзматдан қарзини ололмай юрган Алишерга бу таклиф маъқул тушди. У жемперларни уйига келтириб, янгасига соттира бошлади. Хуллас, Рўзматнинг ўлжаси ўз харидорларини топаверди. Кунларнинг бирида тезкор гуруҳ ходимлари «Даврон» ҳамда «Гулноз» хусусий дўконларидан ўғирлаб кетилган жемперларни сотаётган аёлни учратиб қолишди. Шу тариқа Рўзмат Хўжанапасовнинг қинғир иши ошкор бўлиб қолди.

Илгари ўғирлик қилганлиги сабабли икки маротаба қамалган Рўзмат тегишли хулоса чиқармади. Икки хусусий дўкон эгаларига 14025 сўмлик зарар етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилди. Беруний туман халқ суди туманнинг «Правда» жамоа хўжалигида яшовчи Рўзмат Хўжанапасовни 7,5 йилга озодликдан маҳрум қилди. Шу тариқа нафси ўпқон ўғрининг «иши» ниҳоясига етди.

**Жақсибой БОТИРХОНОВ,**
**Беруний туман ИИБ терговчиси, милиция майори.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**журналист.**

Республика пахта уруғи станцияси жамоаси шу станция директори Эшпўлат Норқуловга падари бузруквори **Норқул ота РУСТАМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

*Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

*· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.*

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.30*

1 2 3 4 5 6.